## ШАРТНОМА № 7

Андижон шахар «29» 07 2022 й.

Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи "Дисак Орзу Барака" бундан буён «Бажарувчи» деб юритилади, унинг номидан раҳбари А.Эргашов бир томондан ва **Андижон вилоят болалар куп тармокли тиббиёт маркази** номидан унинг раҳбари Н.Норматов иккинчи томондан бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади, қуйидаги мазмунда шартнома туздик:

### 1.Шартнома предмети.

1.1.«Бажарувчи»«Буюртмачи»нинг топшириғига кўра Тошкент шахри Божхонасидан «Буюртмачи»га тегишли бўлган тиббий аппаратни Андижон ВБКТТМ га ташиб келтириш бўйича шартномада кўзда тутилган суммада сифатли транспорт хизмати кўрсатди. «Буюртмачи» эса шартномада кўрсатилган тартибда ва кетма-кетликда, ўз вақтида тўловларни амалга оширади.

### 2. Шартнома киймати ва хисоб-китоб тартиби

2.1. Шартноманинг умумий суммаси: 24999950 (йигирма тўрт миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг тўққиз юз эллик сўм) сўмни ташкил этади.

2.2. Хисоб китоб «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3. «Буюртмачи» шартнома кучга кириб, тегишли Ғазначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг, белгиланган тўловлар кетма-кетлигига асосан 20 банк иш кунида «Бажарувчи»га бажарилган ишлар сумммасининг 30% изи яъни 7499985 (етти миллион тўрт юз тўқсон тўққиз минг тўққиз юз саксон беш) ни аванс тариқасида «Бажарувчи»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Қолган охирги 70% изи ёки 17499965 (ўн етти миллион тўрт юз тўқсон тўққиз минг тўққиз юз олтмиш беш) «Буюртмачи» томонидан бажарилган ишлар хисоб варақ фактуралари асосида 20 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.5.Назорат органлари томонидан текширишлар натижасида нархларнинг суний равишда оширганлик холатлари аниқланган тақдирда,барча жавобгарлик «Бажарувчи» зиммасига юклатилади.

### 3. Томонларнинг хукук ва мажбуриятлари.

3.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари «Бажарувчи»дан шартномани бажарииш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.2.«Бажарувчи»нинг хукук ва мажбуриятлари:«Бажарувчи» дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

### 4. Шартномани бажарилиши.

4.1. Шартнома мазкур шарнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига муофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа,шартнома бажарилган дб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

### 5. Томонларнинг жавабгарлиги.

5.1. Кўрсатилган хизматлар бажарилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пения тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан озод этмайди.

5.2. Кўрсатилаган хизматлар учун расмийлаштирилган хисоб фактурага асосан ўз вақтида хақ тўланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи»га муддати кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пения тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

**6. Низоларни ҳал этиш тартиби**

6.1. Келишмовчиликлар ва низом масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2.Томонлар келишмовчиликлар ва низоли ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

**7. Форс – мажор.**

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган холатлар «Ёнғин, сув тошқини, шу каби бошка холатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

**8. Шартноманинг амал қилиши.**

8.1. Мазкур шартнома «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» томонидан тасдиқланиб, ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

8.2.Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

**9.Якуний қоидалар.**

9.1.Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шакилда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллар томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартномага икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

**10. Томонларнингхукукийманзилива банк реквизитлари.**

| «Бажарувчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| " Юксак орзу барака ХК" | **Андижон ВБКТТМ** |
| Манзили: Пахтаобод тум. Зуфаробод 38 | Манзили:Анд.шахар. Фуркат №5 |
| Тел./факс: | Тел./факс 228-60-30 |
| х/р : 20208000905118806001 | Ш/хв: 400321860034017073101054002 |
| Банк: Микрокредитбанк Пахтаобод филиали | СТИР:200236887 ОКОНХ:91511 |
| МФО: 00070 | Респ. Молия Вазирлиги Ғазначилиги |
| | Республика Марказий банк |
| ИНН: 307191770 | Ғазна х/в:23402000300100001010 |
| | ИНН: 201122919 МФО:0014 |
| Рахбар ________ Ш. Юлдашев (имзо) | Бошлиқ: ________ Н.Норматов (имзо) |
| М.Ў. YUKSAK ORZU BARAKA | М.Ў. |
| Юрист: | Д. Косимов |